



Ислом Нури

Барча Оламлар Роббиси бўлган Аллоҳга хамду санолар ва Унинг бутун Оламларга раҳмат килиб юборган сўнгги пайгамбарига салавот ва саломлар бўлсин.

Аллоҳ таъоло ўз пайгомини юборган, инсон ва жинларга дунё ва охиратдаги бахтли ҳаётларини қафолатган, ибодатларни фарз қилган. Шу ибодатлардан бири – рамазон ойида рўза тутишдир.

Рўза – сахардан Куёш ботгунига қадар танага озука бўлган барча нарсаларнинг кириши, жинсий алоқа ва гийбатдан сакланиш, демакдир.

Рўза – Аллоҳ таъоло бевосита қабул қиладиган нодир ибодатлардан биридир.

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу деди: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам дедилар; «Одам фарзанди қилган рўзадан бошқа барча амал ўзи учун. Рўза эса мен учун ва мен унга муқофот бераман»» (Ҳадис қудсий. Имом Аҳмад, имом Муслим ва имом Насоий ривоятлари).

Рўза - гуноҳлар ва жаҳаннам оловидан ҳимоя қиладиган қалқондир

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам дедилар: «... Рўза қалқондир...» (Имом Аҳмад, имом Муслим ва имом Насоий ривоятлари).

Рўза - қиёмат куни рўзадор учун шафоатгўйдир

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Рўза ва Куръон қиёмат кунида банда учун шафоат сўрайдилар. Рўза: «Роббим, мен уни таом ва майликлардан тўсдим, менинг у ҳақидаги шафоатимни қабул қил!»- дейди. Куръон: «Мен уни тунлари уйқудан тўсдим, менинг у ҳақидаги шафоатимни қабул қил!»- дейди. Шундан сўнг уларнинг



Ислом Нури

шафоатлари қабул қилинади» (Имом Аҳмад ривояти).

Рўза - банданинг жаҳаннамдан узок бўлишига сабабдир

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Аллох жаҳаннамни Аллох йўлида бир кун рўза тутган банданинг юзидан етмиш аср (лик масофага) узок қилади» (Имом Абу Довуддан бошқа барча ишончли муҳаддислар ривоят қилдилар).

Рўза сабабли рўзадор оғзидаги хид (бўй) Аллох учун мушқу анбардан кўра хушбўйроқдир.

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «... Мухаммаднинг жони кўлида бўлган зотга касам ичиб айтаманки, рўзадор оғзининг хиди киёмат кунида Аллох хузурида мушқу-анбардан кўра хушбўйроқ бўлади» (Имом Бухорий ва имом Абу Довуд ривоятлари).

Рўзадорлар жаннатга Райён давозасидан қирадилар

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Жаннатнинг Райён номли дарвозаси бор. Киёмат куни: «Рўзадорлар қаерда?» дейилади ва улар қирганларидан сўнг Райён дарвозаси ёпилади» (Имом Бухорий ва имом Муслим ривоятлари).

Рўза ҳукм нуқтаи назаридан фарз ва мустахаб бўлиб, фарз бўлган рўза уч қисмга бўлинади: Рамазон ойи, каффорот ва назр рўзалари. Рамазон ойида рўза тутиш Куръон Карим, суннат ва мусулмонлар ижмоси билан фарздир.

Куръон Каримдаги рўзанинг фарзлигига далиллар:



Ислом Нури

Аллох таъоло деди: «Эй мўъминлар, сизларга сизлардан аввалгиларга фарз килинганидек рўза тутиш фарз килинди. Шояд такволи бўлсангиз» (Бакара: 183)

«(У санокли кунлар) Рамазон ойдирки, бу ойда одамлар учун хидоят ва хидоят ва фуркон (хак билан ботилни ажратувчи)нинг очик оятлари бўлибқуръон нозил килинган. Бас, сизлардан ким бу ойга хозир бўлса, рўза тутсин» (Бакара: 185).

Суннатдаги рўзанинг фарзлигига далиллар:

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Ислом беш нарсага асосланган: «Аллохдан ўзга (хакикий) илох йўк ва Мухаммад Аллохнинг элчисидир» деб гувоҳлик бериш, намозни тўқис адо этиш, закотни бериш, рамазон рўзасини тутиш ва Каъбани хаж килиш».

Талха ибн Убайдуллох деди: «Бир киши келиб: «Ё расулуллох, Аллохнинг менга фарз килган рўзасидан хабар беринг»- деди. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: «Рамазон рўзаси»- дедилар...».

Ислом Уммати хам рамазон рўзасинин тутиш фарз экани, унинг Исломдан экани маълум бўлган ва инкор этган одам кофир бўладиган рукни эканига ижмо килдилар.

Рамазон ойининг рўзаси хижрий иккинчи йилнинг шаъбон ойининг иккинчи куни Аллох таъоло тарафидан фарз килинган.

Рамазон ойи қачон бошланади ва қачон тугайди?

Рамазон ойи рамазон ойининг бошланишида хилолни кўриш билан бошланади ва шаввол ойининг хилолини кўриш билан тугайди.



Ислом Нури

Абдуллох ибн Умар разияллоху анху деди: «Мен расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг: «(Рамазон ойининг) хилол(ини) кўриб рўза тутинглар, (шаввол ойининг) хилол(ини) кўриб огзингизни очинглар (яъни рўзани тугатинглар)!»- деб айтганларини эшитганман» (Имом Муслим ривояти).

Агар хаво булутли бўлса уларни ўттиз кун килиб, тўла килинади ва кейинги кун хайит бўлади. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «... Агар сизларга булутли бўлса, (ойни) ўттиз кун килинглари!» (Имом Муслим ривояти).

Хилолни кўришга рамазон рўзасини қайд килингани учун, камарий ой хилолларини ойлар охирида кузатиш керак. Чунки камарий ойлар ўттиз ёки йигирма тўққиз кун бўлиши мумкин.

Рамазон ойидаги ибодатлар

Аллох таъоло рамазон ойини муборакли қилгани, юкорида келтирилган оятда очик намоён бўлмоқда. «Барака» сўзини баъзи одамлар моддий жихатидангина тушунадилар. Гарчи бу ҳам бир ҳақиқат бўлса-да, бироқ, рамазон ойидаги барака инсон учун маънавийликни ўз ичига олади. Банданинг бу ойда қилаётган ибодатлари бошқа ойлардагидан кўра савоблироқ бўлади. Буни ҳатто банданинг ўзи ҳам ҳис қилгандек бўлади. Натижада банда савоб ишларни қилишдан чарчамайди. Банда шахсий тарбияси ва муомалаларига жиддий эътибор беради. У гийбат, тухмат, хиёнат, бидъат, соткинлик, хаёсизлик, товламачилик, фирибгарлик, каллоблик, ўғирлик ва шу каби Аллох ва одамлар тарафидан ёмон қўрилган ва улар учун шариатда жазолар белгиланган ишларни қилмайди.



Ислом Нури

Рамазон рўзаси сахарлик килиш билан бошланади. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Сахарлик килинглари, чунки сахарликда барака бордир» (Имом Муслим ривояти).

Рўза ниятсиз бўлмас ва кечки уйкуга кетишдан аввал мен сахарликда туриб сахарлик килиб сўнгра рўза тутаман деб ният килишга одатланиш керак.

Эрта тонг – субҳи содикдан то Куёш ботгунига кадар тоат-ибодат билан машгул бўлиш калбларга даводир. Ой давомида кундузлари Куръон тиловати, садака бериш, таълим-тарбия ишлари билан шугулланиш, намозларни жамоат билан ўқиш мақсадга мувофиқдир.

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Куръонни хар ойда ўқи!» (Имом Муслим ривояти).

Рамазон ойи кириши билан кўплаб салаф олимлари Куръон тиловат килишга киришар ва бу ойни ганимат билар эдилар.

Имом Шофий раҳимахуллох рамазон ойида Куръонни олтмиш марта хатм килар ва буларнинг барчасини намоздан ташқари ўқир эди. Ифтор Куёш ботиши биланок килиниши керак. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Кеча келиб, кундуз кетса ва Куёш ботса рўзадор ифтор килади» (Имом Муслим ривояти).

Рўзадорнинг ифтордан аввалги дуолари ижобатдир.

Рамазон ойи ва унда килинган амалларнинг фазилатлари

Абу Хурайра разияллоху анху деди: «Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Хузурингизга муборакли ой кириб келди унинг рўзаси сизларга фарз килинди. У (ой) да жаннат дарвозалари очилиб,



Ислом Нури

жаханнам дарвозалари ёпилади, Шайтонлар кишанланади. Унда бир кеча борки, у минг ойдан кўра яхшироқдир. Ким у (кеча) нинг яхшиликларидан махрум бўлса, (кўп нарсадан) махрум бўлибди» (Имом Аҳмад, имом Насоий ва имом Байхакий ривоят килдилар).

Абу Хурайра разияллоху анху деди: «Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Беш вақт намоз, жума (намози келгуси) жумагача, рамазон (келгуси рамазонга қадар ўрталарида (содир бўлган) катта гунохлардан бошқа (кичик) гунохлар учун каффоротдир» (Имом Муслим ривояти).

Абу Саид разияллоху анху деди: «Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Рамазон рўзасини тутган ва унинг худудларини билган ҳамда сакланиш керак бўлган нарсалардан сакланган одам(нинг бу ибодатлари) ўтган гунохларига каффорот бўлади» (Имом Аҳмад ва имом Байхакий ривоятлари).

Абу Хурайра разияллоху анху деди: «Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Рамазон рўзасини иймон ва савоб умидида тутган одамнинг ўтган гунохлари кечирилади» (Имом Аҳмад ва «Сунан» муаллифлари ривоят килдилар).

Фаришталар рўзадор учун ифтор пайтига қадар Аллохдан мағфират сўрайдилар.

Аллох таъоло жаннатини безайди ва унга: «Солих бандаларимнинг устларидаги кийинчилик ва азиятларни ташлаб, сенинг хузурингга келишларига оз қолди»- дейди.

Рамазон ойининг сўнгги кунда рўзадорларга мағфират қилинади.



Ислом Нури

Унутиб килинган ишларнинг ҳукми

Рўзадор унутиб бирон нарсани еб-ичса, рўзаси бузилмайди, балки Аллохнинг меҳмони бўлади. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Рўзадорлигини унутиб еган ёки ичган одам, рўзасини етказсин. Чунки уни Аллох едириб, ичиргандир» (Имом Муслим ривояти).

Рўзадорнинг касддан огзини очишининг ҳукми

Рўзадорнинг касддан огзини очиши каттик гуноҳлардан биридир. Агар у рўзасини касддан очган бўлса тавба килиб, каффорот бериши керак. Агар рўзанинг фарз эканини инкор этиб, тавба килмаса кофир бўлади. Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг хузурига бир одам келиб: «Мен халок бўлдим!»- деди. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: «Сени нима халок килди?»- деб сўрадилар. У: «Рамазонда (кундуз кунда) хотиним билан жинсий алоқа килдим»- деди. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: «Кул озод кила оласанми?»- дедилар. У: «Йўк»- деди. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: «Пайдар-пай олтмиш кун рўза тута оласанми?»- дедилар. У одам: «Йўк»- деди. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: «Олтмишта мискиннинг корнини тўйдира оласанми?»- дедилар. У одам: «Йўк»- деди-да, ўтирди. Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламга хурмо келтирилди. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: «Шуни садака кил!»- дедилар...» (Имом Муслим ривояти).

Рамазон ойида рўза тутмаслик оқибати

Абдуллох ибн Масъуд разияллоху анху деди: «Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Исломнинг асоси ва диннинг пойдевори учта бўлиб, улар устига Ислом тикланган. Улардан бирини тарк



Ислом Нури

килган одам кофир, ва унинг кони халолдир. (Улар): «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ» деб гувоҳлик бериш, фарз килинган намозлар ва Рамазон ойининг рўзаси»» (Абу Яъло, Дайламий ва имом Захабий ривоятлари).

Абу Хурайра разияллоху анху деди: «Расулуллоҳ соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Рамазоннинг бир кунида Аллоҳ изн бермаган рухсатсиз (қасддан) рўза тутмаган одам ҳаёти давомида рўза тутсада, қазо ўрнига ўтмас» (Имом Абу Довуд, имом ибн Можжа, имом Термизий ривоятлари).

Имом Захабий деди: «Мўминларда бир қоида бор: Ҳаста бўлмай (ва шаръий узрларсиз) рамазон рўзасини тутмаган одам зоний ва маст килувчи ичимликларни ичишга муккасидан кетган одамдан кўра бадбахтрокдир. Балки, мўминлар ундай одамнинг Ислоmidан шубҳаланиб, зиндик ва ахлоқсиз дея гумон қилар эдилар».